

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

596 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-1

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 июнь,
01-02/15-22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона кўмитасининг 2017 йил
3 июндаги 01-02/15-22-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 8-бандда:

«, шунингдек «Навоий» эркин иқтисодий индустриал зонаси ҳудудидан олиб кирилаётган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фармацевтика маҳсулотларини (ТИФ ТНнинг 30 гуруҳи) ва тиббий мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотларни (ТИФ ТНнинг 9018 товар позицияси) келгусида реализация қилиш учун «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида олиб қирувчи ташкилотлар уларни БЮДда декларациялашда мажбурий тартибда савдо номларини, халқаро патентланмаган номларини, моделларини, техник тавсифларини, дори-дармонларни чиқариш шаклларини, дозасини, ишлаб чиқарувчисини ва ишлаб чиқарилган давлатни кўрсатдилар. Бунда, агар битта БЮДда юқорида кўрсатилган параметрлардан, ҳаттоки биттаси бўйича фарқ қилувчи товарлар расмийлаштирилаётган бўлса, у ҳолда улар турли хил товарлар сифатида алоҳида декларацияланади.»

2. 22-бандда:

16-кичик банд қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«50» — экспорт факти бўйича.»;

ўн биринчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн иккинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбек тилидаги матннинг 25-банди 45-кичик бандининг учинчи хатбошидаги «юкни жўнатувчи» деган сўзлар «юкни қабул қилувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбек тилидаги матннинг 32-банди «42,» рақамидан кейин «43,» рақами билан тўлдирилсин.

5. 56-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 80-банддаги «4-боби» деган сўзлар «6-боби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 12-иловада:

а) 22, 23 ва 24-сатрлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 22.	Санитария-эпидемиология хулосаси	406	СЭЗ
23.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсатномаси (CITES рухсатномаси бундан мустасно)	407	ГКЭ_РСТ

24.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоологик коллекциялар, ўлжалар ва тулумларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсатномаси (CITES рухсатномаси бундан мустасно)	408	ГКЭ_ЖВТ	»;
-----	--	-----	---------	----

б) қуйидаги мазмундаги 61¹-сатр билан тўлдирилсин:

« 61 ¹ .	Жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш далолатномаси	820	АПИ	»;
---------------------	---	-----	-----	----

в) қуйидаги мазмундаги 75-сатр билан тўлдирилсин:

« 75.	Божхона қийматини аниқлаш усули	904	МЕТОД	».
-------	---------------------------------	-----	-------	----